

УДК: 338.322.16

DOI: 10.56937/v7i9a10

*Тўраева Нафиса Одилжоновна*

*ТДИУ, “Менежмент ва маркетинг” кафедраси ассистенти*

## **КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес субъектларини рақамли технологиялардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш усуллари ўрганишдан иборат. Бунда кичик бизнес субъектлари рақамли технологиялардан фойдаланишни ривожланишида иқтисодий рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган, шунингдек, кичик бизнес субъектларининг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларнинг таҳлили юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, инновация, анъанавий иқтисодий, рақамли технологиялар, янги иқтисодий, рақамлаштириш, экотизим.

**Кириш.** Дунёнинг кўпгина мамлакатлари ва минтақаларига тарқалган COVID-19 пандемияси глобал иқтисодийга жиддий таъсир кўрсатди: айрим йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес ташкилотлари фаолиятларини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлишди. Рақамли иқтисодийга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодийда рўй берган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўсди. Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодий пайдо бўлди. «Рақамлаштириш» сўзи аслида янги атама бўлиб, инновацион бошқарув ва иш юритиш жараёнига ИТ-ечимларнинг жалб этилишини, бунинг самараси ўлароқ эса интернет буюмлардан тортиб, электрон ҳукуматгача бўлган барча тизимларда ахборот технологияларини қўллашни кўзда тутди. Иқтисодийнинг рақамли сегментига тегишли бош манба – тракзакцион секторнинг ўсишидир. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ЯИМнинг 70 фоиздан ортиқ миқдорни ташкил этиб, давлат бошқаруви, консалтинг ва информацион хизмат кўрсатиш, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, хизматлар соҳасини (коммунал, шахсий ва ижтимоий) бирлаштиради. Шу билан бирга, рақамли иқтисодий ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини самарали рейтинг баҳолаш тизими ҳамда уни амалга оширишнинг идоралараро механизмининг йўқлиги иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни рақамли трансформацияси ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишга тўсқинлик қилмоқда. Ваҳоланки, рақамли иқтисодий ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини самарали рейтинг баҳолаш тизими ҳамда уни амалга оширишнинг идоралараро механизми йўқлиги иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни рақамли трансформациясининг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Илмий адабиётларда рақамли иқтисодий ҳамда кичик бизнес тушунчасига турлича таъриф ва талқинлар келтирилган ҳамда

барқарор иқтисодийни ривожлантиришда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти илмий асосланган. Жумладан, Академик С.С.Ғуломов рақамли иқтисодийга “ахборот, жумладан, шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш унинг ўзига хос хусусияти бўлган иқтисодийдир”<sup>1</sup>, дея таъриф келтирган. А.В.Кешелава, В.Г. Буданов, В.Ю. Румянцев ва бошқалар рақамли иқтисодийнинг моҳиятини тушунтириш мақсадида “гибрид олам” тушунчасини киритишган. Уларнинг фикрига кўра, ““рақамли иқтисодий” – бу гибрид олам шароитида мавжуд бўладиган иқтисодийдир”<sup>2</sup>. Ушбу таърифда “рақамли иқтисодий” атамасини ёзишда атайлаб қўштирноқ белгисидан фойдаланишган. Чунки улар умумий иқтисодий таркибида алоҳида ажралиб турадиган “рақамли иқтисодий” деган воқелик йўқ деб ҳисоблашади. Г.Н. Андреева ва бошқалар муаллифлигида нашр этилган монографияда қуйидагича таъриф келтирилади: “Рақамли иқтисодий – бу технорақамли шаклдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг тизимли йиғиндисидир”<sup>3</sup>.

В.И. Ткач эса “рақамли иқтисодий” атамасининг моҳиятини қуйидагича таърифлайди: “Рақамли иқтисодий – бу рақамли платформалар, алгоритмлар, булутли инфратузилмаларнинг кенг қўлланилиши ва жамиятдаги ижтимоий ахлоқий жиҳатлардаги ўзгаришлар ва хавфсизлик ва синергияни бошқариш шароитида интеллектуал капиталдан фойдаланишга эътибор қаратиб, глобал, макро, мезо ва микро даражаларда мулк ва ялпи ички маҳсулотнинг барқарор иқтисодий ривожланишига йўналтирилган кишилар, бизнес ва буюмларнинг кенг қўламли тузилмасидир”<sup>4</sup>. М.Никрем ва бошқалар келтирган таърифга кўра, “рақамли иқтисодий – бу “рақамли” ресурслар ҳисобига амалга оширилган ишлаб чиқаришнинг умумий иқтисодий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши”. Ушбу рақамли ресурслар рақамли малакаларни, рақамли ускуналарни (аксессуар ва бутловчи қисмлар, дастурий таъминот ва алоқа ускуналари), ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган оралиқ рақамли маҳсулот ва хизматларни ўз ичига олади<sup>5</sup>.

Маҳаллий олимлардан Н.Г.Муминов ва Г.М. Захировалар иқтисодий рақамлаштиришда ва электрон савдони ривожлантиришда давлат харидлари тизимининг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаганлар<sup>6</sup>.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти тўғрисида ягона илмий таърифга келингани йўқ. Масалан, А.Бусигин хусусий секторга фойда (даромад) олиш мақсадидаги иқтисодий фаолликнинг махсус тури сифатида таъриф беради. Бу фаолиятининг мақсади деб, шундай товарни ишлаб чиқариш ва сотишни тушунадики, у бозорда

<sup>1</sup> . Gulyamov S.S. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar: O'quv qo'llanma / 2021, - 126 б.

<sup>2</sup> Введение в «Цифровую» экономику / А. В. Кешелава, В. Г. Буданов, В. Ю. Румянцев [и др.]; под общ. ред. А. В. Кешелава ; гл. «цифр.» конс. И. А. Зимненко. – ВНИИ Геосистем, 2017. - 28 с.

<sup>3</sup> Андреева Г.Н. / Развитие цифровой экономики в России как ключевой фактор экономического роста и повышения качества жизни населения: монография / Г.Н. Андреева [и др.]. – Нижний Новгород: Профессиональная наука, 2018. – 131 с.

<sup>4</sup> Ткач В.И. Учет и анализ производственных затрат в лесозаготовительной промышленности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Ростов на/Д, 1965. (...)

<sup>5</sup> Knickrehm M., Berthon B. and Daugherty P. Digital Disruption: The Growth Multiplier, Accenture, Dublin. 2016. [Электронный ресурс] – Режим доступа: [https://www.accenture.com/\\_acnmedia/PDF-4/Accenture-Strategy-Digital-Disruption-Growth-Multiplier.pdf](https://www.accenture.com/_acnmedia/PDF-4/Accenture-Strategy-Digital-Disruption-Growth-Multiplier.pdf) (дата обращения: 01.05.2020).

<sup>6</sup> Muminov N.G., Zakhirova G.M. The role of public procurement in the digitalization of the economy and adoption of e-commerce. St. Petersburg State Polytechnical University Journal. Economics Vol. 13, No. 2, 2020. P. 30-39. DOI: 10.18721/JE.13203

талабга эга бўлиб, тадбиркорга фойда келтириши лозим бўлсин. У кичик бизнесни иқтисодий фаол соҳа деб ҳисоблаб, бунинг асосини фойда олишга йўналтирилган мақсадли фаолият, тадбиркорлик фаоллигини эса, фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича фаолиятнинг ўзини тушуниш тарзида ифодалайди. Натижада, кичик бизнес тушунчасининг мазмуни бозорда талабга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича мақсадли фаолиятни англатади<sup>1</sup>.

Хорижий иқтисодчи олимлар Ф.Аллен ва Д.Гейл кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банклар фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлигини эътироф этишади ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади<sup>2</sup>.

Шунингдек, ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёнини иқтисодиёт соҳасида такомиллаштириш бўйича маҳаллий олимларимиздан Ж.Х.Камбаров, Н.Ж.Махмудовалар ўзининг илмий ишларида саноат иқтисодиёти телекоммуникация қоидаларини белгилашда, техник стандартларни белгилашда, тадқиқот ва инновацияларни қўллаб - қувватлашда муҳим роль ўйнади, бу эса ўз навбатида инновацион иқтисодиётнинг янги сектори-рақамли бозорни пайдо бўлишига ёрдам берди деган фикрларни билдирган<sup>3</sup>. Шунинг учун, замонавий рақамли инқилоб асосан бозор ва технологик янгиликлар билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш фаолияти ва хизматларининг аксарияти ахборот технологиялари орқали олинган. Бу аср ахборотни ахборотлаштириш ва рақамлаштириш асрига айланди. Шунингдек, И.Ю.Умаров томонидан ёзилган илмий мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион бошқаришда бизнес самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган<sup>4</sup>. Л.В. Лapidус ўз тадқиқотларида рақамли технологиялар эволюцияси таъсири остида бизнес моделларини ўзгартириш нуктаи назаридан электрон бизнес ва электрон тижоратни бошқариш бўйича назарий қоидалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган<sup>5</sup>.

Хорижий иқтисодчи олим М.Юнус томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида фикр билдирилган ҳолда янги фаолият бошлаган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши кераклигини таъкидлаган. Кичик бизнес субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнгра бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошиши мазкур олим томонидан қайд этилган<sup>6</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш Давлат дастурида: “Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли маълумотлар, катта ҳажмларни қайта ишлаш ва таҳлил натижаларини қўллаган ҳолда, анъанавий бошқарув шакллари билан таққослаганда, турли хил ишлаб чиқариш, технологиялар, ускуналар, сақлаш,

<sup>1</sup> Бусигин А.В. Предпринимательство, начальный курс. М.: НИПП. 1992, - 17 б.

<sup>2</sup> Allen F., Gale D. Comparing Financial Systems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.

<sup>3</sup> Камбаров Ж.Х., Махмудова Н.Ж. Задачи управления рисками на предприятии // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, 2016. № 5. С. 88-89.

<sup>4</sup> Umarov, I. Y., & Yusupova, M. Features of digital innovation management in business. In World science: problems and innovations collection of articles of the XX-XI International Scientific and Practical Conference: at (Vol. 4)

<sup>5</sup> Лapidус, Л. В. Цифровая экономика. Управление электронным бизнесом и электронной коммерцией : учебник /Л.В.Лapidус. – Москва: ИНФРА-М, 2018

<sup>6</sup> Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.

сотиш, товар ва хизматларни етказиб бериш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин”<sup>1</sup> деган фикр билдирилган.

Юқоридаги бир қатор иқтисодчи олимларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, бугунги кунда тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш лозим.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланди. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлашдан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Рақамлаштириш жараёнини анча аввал бошланган мамлакатларда пандемия рақамли иқтисодиётни, рақамли технологияларни, электрон тижоратни ривожлантиришни, шунингдек, етказиб бериш хизматлари ва логистикани модернизация қилишни жадаллаштирди. Мазкур соҳа нисбатан яхши ривожланмаган мамлакатларда ҳам пандемия рақамлаштиришга бўлган эҳтиёжни ва талабни ошириб, ушбу жараёнларни тезлаштирди ҳамда янги шароитларга мослашишни тақазо қилди.

Бугун рақамли технологиялар барча соҳаларга ва одамлар ҳаётига жадал кириб борапти. Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш энг муҳим вазифага айланган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ доллариға етказиш вазифаси қўйилган<sup>2</sup>.

Кичик бизнес субъектларининг фаолияти кўлами туфайли чекланган молиявий ва кадрларга оид ресурслар, шунингдек, бизнесни диверсификация қилишнинг мавжуд эмаслиги, кичик ташкилотларда молиявий бошқарув усуллари тизими энг муҳим функциялар ва бошқарув объектларига қаратилиши керак. Шу билан бирга, молиявий бошқарув усуллари кенг қамровли ва юқори маълумотга эга бўлиши керак. Кичик ташкилотлар молиявий бошқарувига стратегик ёндашувни амалга ошириш доирасида таъсирчанлиги тўғридан-тўғри бошқарув субъектига боғлиқ бўлган молиявий бошқарувнинг асосий услубларига алоҳида эътибор қаратишлари керак.

Демак, функционал нуқтаи назардан кичик бизнес субъектларида молиявий бошқарув тизимининг асосий элементлари режалаштириш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш кабилардан иборатдир. Аналитик тартиб-таомиллар нуқтаи назаридан чекланган миқдордаги молиявий таҳлил усуллари доирасида кичик ташкилотнинг ҳолати тўғрисида энг тўлиқ маълумотни олиш муҳим ҳисобланади. Аввало, бундай усуллар молиявий ҳолатни ҳар томонлама баҳолашга имкон берадиган ва шу билан бирга таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларини ҳисобга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги фармони № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида”. <http://turkiston.uz>

<sup>2</sup> <https://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2021/sdn1504.pdf>

олишга имкон берадиган омилли таҳлилни ўз ичига олади. Кичик ташкилотларда молиявий таҳлилга ўхшаш ёндашув қўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>.



**1-расм. Кичик бизнес субъектларида молиявий бошқаришнинг асосий усуллари тизими<sup>2</sup>**

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли “Ёшлар-кеलाжагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги Фармонлари. Мазкур Қарор ва Фармонларда белгиланган вазифаларни самарали ижросини таъминлаш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларни тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга тижорат банклари томонидан кредит маблағларини йўналтириш борасидаги чора-тадбирлар фаол тарзда амалга оширилмоқда, мазкур кредитлар ҳисобидан ҳудудларда жами 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилган. Хусусан, 2021 йилда аҳолига тадбиркорлик

<sup>1</sup> Епифанова, Т.В. Основные положения анализа и оценки финансовой устойчивости организаций малого и среднего бизнеса в статике / Т.В. Епифанова // Финансовые исследования. – 2012. № 4 (37). – С. 72-78.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилди

фаолиятини амалга ошириш учун 6,8 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилганлиги мазкур соҳани ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш орқали даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг фаол тарзда амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

Қуйидаги 1-расмда кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий бошқарувнинг асосий услублари тизими, шунингдек, таъкидлаб ўтилган усулларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган.

Хотин-қизлар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб қилиш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларга ажратилган банк кредитлари ҳажми 2021 йил якуни бўйича 2017 йилга нисбатан қарийб 3 баробарга ошган ҳолда 7,7 трлн. сўмни ташкил этган. 2021 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг кредит линияларини жалб қилиш борасида ҳам чора-тадбирлар фаоллик билан амалга оширилмоқда. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу мақсадда тижорат банклари томонидан 30 дан зиёд чет эл банклари ва халқаро молия институтлари билан уларнинг кредит линияларини жалб этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан 1,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўп кредитлар ажратилган.

#### 1-жадвал

#### Кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар<sup>1</sup> (асосий йўналишлар бўйича) (млрд.сўм)

| Асосий йўналишлар                                                  | Йиллар  |         |         |         |         |
|--------------------------------------------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
|                                                                    | 2017    | 2018    | 2019    | 2020    | 2021    |
| Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар, жами | 19564,7 | 30648,9 | 55430,0 | 48389,7 | 59552,1 |
| <i>шундан:</i>                                                     |         |         |         |         |         |
| Ажратилган микрокредитлар                                          | 4015,0  | 6205,9  | 10777,5 | 10194,3 | 15092,4 |
| Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга           |         | 668,5   | 1136,1  | 6078,5  | 8566,3  |
| Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга                 | 3582,2  | 6547,8  | 8772,2  | 5959,8  | 18176,6 |
| Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга                          | 2782,3  | 3361,5  | 4499,8  | 4895,9  | 7756,8  |
| Аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун                 |         | 1748,7  | 4906,3  | 3602,1  | 6830,0  |
| Хорижий кредит линиялари ҳисобидан (млн. АҚШ доллари)              | 521,8   | 1039,3  | 1633,7  | 2139,0  | 1756,2  |

<sup>1</sup> Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш учун кредитлар ажратишни кенгайтириш ҳамда микрокредитлаш ҳажмини ошириш орқали аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатнинг юритилиши ижобий натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг кенг жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишида, янги тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишида, хизматлар сифати ва уларни кўрсатишнинг оптималлашишида, иқтисодиётнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши ва бу орқали ҳаёт сифатининг яхшиланишида муҳим ҳисобланади.



**2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари<sup>1</sup>**

Рақамли технологиялар даражасининг динамик тарзда ортиб бориши ривожланган мамлакатларга янада қудратли бўлиш, рақамли технологиялар эвазига тезроқ ривожланиш имкониятини тақдим этса, ривожланаётган мамлакатлар аксинча, рақамли технологияларни яратиш ёки сотиб олиш катта маблағни талаб этиши эвазига ривожланиш даражасида кескин сакрашлар кузатилмайдди. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт технологиялардан самарали фойдаланиш молиявий активлар, тўловлар тизими, меҳнат, товар ва хизматлар бозорини янгича ташкил этиш, уларни инновацион асосларда ривожлантириш борасида катта имкониятлар тақдим этади.

Рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларда ЯИМ ҳажми ҳам, ЯИМнинг аҳоли сон бошига улуши ҳам юқоридир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг бу масалага давлат миқёсида эътибор қаратиши бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса, биринчидан, аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишдир.

Кичик ва ўрта ташкилотлар, шунингдек чет элдаги йирик бизнес субъектлари фаолиятида бухгалтерия ҳисоби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ олиб борилади. Маҳаллий амалиётда эса кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилди

қўлланилмоқда. Барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида деярли тўлиқ жорий этилишига эришилгани йўқ.

Қуйидаги жадвалдан кичик ва ўрта тадбиркорликнинг нисбатан яқин микдорий хусусиятлари Россия, Украина, Белоруссия ва Европа Иттифоқида эканлигини кўриш мумкин. Бироқ, шунинг таъкидлаш жоизки, бундай қиёсий таҳлилни ўтказиш натижаларига миллий валюта курси жиддий таъсир кўрсатади. Шу боисдан тадқиқот жараёнида мазкур жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.


## 2-жадвал

### Кичик бизнес субъектларини таснифлашда турли мамлакатларда қўлланиладиган мезонларнинг қиёсий тавсифлари<sup>1</sup>

| Мамлакат           | Мезонлар       | Микробизнес                        | Кичик бизнес                                                                                | Ўрта бизнес                           |
|--------------------|----------------|------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------|
| Россия Федерацияси | Ходимлар сони  | 15 киши                            | 50 киши (30-100 кишибундан мустасно)                                                        | 250 киши                              |
|                    | Йиллик тушум   | 1,90 млн. евро                     | 12,68 млн. евро                                                                             | 31,71 млн. евро                       |
| Белоруссия         | Ходимлар сони  | 15 киши                            | 100 киши (15-100 кишибундан мустасно)                                                       | 250 киши (50-400 кишибундан мустасно) |
| Украина            | Ходимлар сони  | 10 киши                            | 50 киши                                                                                     | —                                     |
|                    | Йиллик тушум   | 2 млн. евро                        | 10 млн. евро                                                                                | —                                     |
| Қозоғистон         | Ходимлар сони  | 15 киши                            | 100 киши                                                                                    | 250 киши (фақат юридик шахслар учун)  |
|                    | Йиллик тушум   | 0,289 млн. евро                    | 2,89 млн. евро                                                                              | 28,9 млн. евро                        |
| Европа иттифоқи    | Ходимлар сони  | 10 киши                            | 50 киши                                                                                     | 250 киши                              |
|                    | Йиллик тушум   | 2 млн. евро                        | 10 млн. евро                                                                                | 50 млн. евро                          |
| Швеция             | Ходимлар сони  | —                                  | 50 киши                                                                                     | —                                     |
|                    | Йиллик тушум   | —                                  | 5,34 млн. евро                                                                              | —                                     |
|                    | Валюта баланси | —                                  | 2,67 млн. евро                                                                              | —                                     |
| Норвегия           | Ходимлар сони  | —                                  | 19 киши                                                                                     | 99 киши                               |
| Япония             | Ходимлар сони  | 20 киши, ишлаб чиқариш соҳаси учун | 100 киши, ишлаб чиқариш соҳаси учун                                                         |                                       |
|                    |                | 50 киши бошқа соҳалар учун         | Турли соҳалар учун 50дан 300гача                                                            |                                       |
|                    | Капитал ҳажми  | 0,75 млн. евро                     | 2,25 млн. евро                                                                              |                                       |
| АҚШ                | Ходимлар сони  | —                                  | 50 (тўғридан-тўғри сотиш)дан 1550гача (бензин ишлаб чиқариш)                                |                                       |
|                    | Йиллик тушум   | —                                  | 0,68 миллион евродан (дон ишлаб чиқариш) 495 миллион еврогача (банклар ва кредит уюшмалари) |                                       |

<sup>1</sup> Fetisovova, E. Finance of small and medium-sized enterprises. / E. Fetisovova et al. / 2004. – Bratislava. IURA EDITION – 260 p.

Кичик бизнесга мансублигини таснифлаш мезонлари сингари кичик бизнес субъектларида молиявий бошқарув бўйича хорижий назарияларнинг асосий жиҳатлари маҳаллий тажрибага яқинлаштирилган. Фикримизча, кичик бизнеснинг молиявий бошқаруви бошқарувнинг умумий тизими (бошқариладиган куйи тизим бўлиб) таркибига киради ҳамда молиявий жараёнларни самарали бошқариш, шу жумладан, молиявий жараённи бевосита ташкил этиш, молиявий режалаштиришни амалга ошириш, молиявий қарорлар қабул қилиш, молиявий таҳлил ва молиявий назоратни ўтказишга йўналтирилган. Фикримизча, молиявий бошқарувнинг асосий мақсади бизнес қийматини максималлаштиришдан иборат. Келтирилган таъриф бир вақтнинг ўзида молиявий бошқарув услублари сифатида ифодаланадиган молиявий бошқарув тизимининг барча асосий функцияларини ўз ичига олади.



**3-расм. Кичик бизнес субъектларининг даромадлиги ва молиявий бошқаруви ўртасидаги боғлиқлик модели<sup>1</sup>**

Шу билан бирга, хорижий олимлардан К.М. Нгуен кичик бизнес субъектларининг даромадлиги ва молиявий бошқаруви ўртасидаги боғлиқликни ўрганган ҳолда кичик бизнес субъектлари томонидан амалда қўлланиладиган куйидаги молиявий бошқарув усуллари ажратиб кўрсатади (financial management practice): молиявий таҳлил, бухгалтерия ҳисобини юритиш тизими, айлانма капитални бошқариш, капитал таркибини бошқариш, молиявий режалаштириш<sup>2</sup>. Муаллиф томонидан таклиф этилган кичик бизнес субъектларида даромадлилик ва молиявий бошқарувнинг ўзаро боғлиқлиги модели 3-расмда акс эттирилган.

Расмдан кўриш мумкинки, муаллиф функционал (ҳисоб-китоб тизими, молиявий таҳлил, молиявий режалаштириш) ва объекти (айланма маблағларни бошқариш, айланмадан ташқари маблағларни бошқариш, капитал тузилмасини

<sup>1</sup> Gică, O.A. Planning practices of SMEs in North-Western Region of Romania an empirical investigation / O.A. Gică, C.I. Balint // Emerging Markets Queries in Finance and Business. Procedia Economics and Finance. – 2012. – №3. – P. 896-901.

<sup>2</sup> Nguen, R. Finance of small and medium-sized enterprises. / E. Fetisovova et al. / 2018. – Bratislava. IURA EDITION – 260 p.

бошқариш) молиявий бошқарув усуллари ажратишни амалга оширмаган, бу умумий ҳолда амалий қўллаш нуқтаи назаридан мақбулдир. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, молиявий бошқарув усуллари кичик бизнес субъектларида алоҳида эмас, балки тизимли равишда қўлланилиши керак. Шу билан бирга, назарий хусусиятлар нуқтаи назаридан, молиявий бошқарув усуллари кўрсатилган белгиларга мувофиқ ажратиш асосли кўринади.

Кичик бизнес субъектларини бошқариш бўйича чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби;
- режалаштириш ва назорат қилиш;
- молиявий ҳисоботлар, инвестициялар, кредитлар таҳлили;
- маркетинг;
- ахборот технологиялари;
- инсоний муносабатлар;
- харид фаолияти ва товар-моддий захиралари;
- солиққа тортиш;
- рискларни бошқариш ва суғурталаш;
- тадбиркорларнинг жамият олдидаги масъулияти.

Кўрсатилган рўйхатга асосланиб, бошқарув тизимидаги энг муҳим масалалар молиявий бошқарув билан боғлиқ эканлиги кўринади (бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш). Шу билан бирга, уларнинг аксарияти илгари бошқа тадқиқотларда кўриб чиқилган молиявий бошқарувнинг асосий усулларига мос келади (асосан, функционал усуллар нуқтаи назаридан).

Хорижий манбаларда ҳам маҳаллий манбалардаги каби миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда кичик бизнес субъектларининг муҳим роль ўйнаши, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг ривожланиши ва самарали фаолият юритишидаги қийинчиликларга алоҳида эътибор қаратилади<sup>1</sup>. Шуниси аниқки, барча жорий муаммолар инкироз шароитида янада кучаяди. Демак:

1. Кичик бизнес субъектларидан уларнинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича жараённинг бир қисми бўлган ва ташкилотнинг асосий мақсадига унинг бозор қийматини максималлаштиришга эришишига қаратилган молиявий режалаштиришни амалга оширишлари талаб этилади.

2. Доимий равишда иқтисодий вазиятни мониторинг қилиб бориш, ташқи муҳит томонидан мумкин бўлган хавф белгиларини аниқлаш зарур. Шу билан бирга, нафақат мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, рейтинг агентликлари маълумотлари, миллий банкларнинг ҳисоботлари ва бошқаларни таҳлил қилиш ва ўрганиш талаб этилади, балки, асосий контрагентларнинг шу жумладан, етказиб берувчилар, дистрибьюторлар ва истеъмолчиларнинг ҳам молиявий аҳволини кузатишлари керак.

3. Кичик бизнес субъектларида молиявий бошқариш бўйича асосий эътиборни пул оқимларини самарали бошқариш жараёнига қаратиш талаб этилади.

---

<sup>1</sup> Idar, R. The Effect of Market Orientation as Mediator to Strategic Planning Practices and Performance Relationship: Evidence from Malaysian SMEs / R. Idar, Y. Yusoff, R. Mahmood // International Conference on Small and Medium Enterprises Development with a Theme «Innovation and Sustainability in SME Development» (ICSMED 2012): Procedia Economics and Finance. – 2012. – № 4. – P. 68-75.

4. Молиявий таҳлилни амалга ошириш жараёнида, кенг тарқалган молиявий коэффициентлар мажмуаси билан чекланибгина қолмасдан, номолиявий омил ва кўрсаткичларнинг таъсирига эътиборни қаратиш керак.

5. Кичик бизнес субъектлари доимий равишда чиқимларни таҳлил қилиши ва оптималлаштиришлари зарур.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт технологиялардан самарали фойдаланишни таъминлаш борасида амалга оширилган илмий изланишлар жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Рақамли иқтисодиёт бу – рақамли ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимидир. Рақамли иқтисодиёт жуда кўп афзалликларга эга. Бу тўловларнинг нархини пасайтиради ва янги даромад манбаларини очади. Онлайн хизмат кўрсатиш харажатлари анъанавий иқтисодиётга қараганда паст (биринчи навбатда таннархни камайтириш ҳисобига) ва хизматларнинг ўзлари ҳам ижтимоий, ҳам тижорат жиҳатидан анча арзонроқдир. Бундан ташқари, рақамли дунёда товарлар ва хизматлар жаҳон бозорига тезда кириб, дунёнинг исталган нуктасига кириш имкониятига эга бўлади. Таклиф этилаётган маҳсулот истеъмолчининг янги истаклари ёки эҳтиёжларини қондириш учун дарҳол ўзгартирилиши мумкин. Рақамли иқтисодиёт, ҳар хил ахборот, таълим, илмий ва кўнгилочар контентларни тез, яхши ва қулайроқдир тақдим этади.

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт технологиялардан самарали фойдаланишни ривожлантириш бошқа мамлакатлар каби, Ўзбекистон учун ҳам унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган стратегик аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг ҳам тан олиш керакки, Ўзбекистонга бугунги кунда мақбул келадиган тадбир қисқа даврда – биринчи навбатда, технологик ортда қолишдан қутулишдир. Ҳозирда эса мамлакатимизда зарур миқдордаги тўлақонли иқтисодиёт субъектлари йўқлиги туфайли етук ва тўлақонли рақамли иқтисодиётни ўз-ўзидан шакллантириш учун шарт-шароитлар йўқ. Бу эса давлатимизга рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини учун шарт-шароитлар яратиш, уни энг керакли соҳаларга йўналтириш ва бу жараённи имконият даражасида рағбатлантириш зарурлиги кўрсатади.

3. Рақамли иқтисодиёт ахборот-коммуникацион ва иқтисодий ҳамда молиявий инновацион технологияларнинг ривожланганлиги, шунингдек, биргаликда гибрид дунёда барча иқтисодий фаолият субъектлари, яъни товарлар ва хизматлар яратиш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёни объектлари ва субъектларининг тўлақонли ўзаро алоқа қилиш имкониятини таъминлайдиган инфратузилма очиклиги туфайли алоҳида ўринга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт технологиялардан самарали фойдаланиш учун барча иқтисодиёт объектлари ва субъектлари сезиларли рақамли таркибий қисмларга эга бўлиши лозим.

4. Рақамли иқтисодиётнинг энг фаол драйвери – бу давлатдир. У рақамли иқтисодиётнинг асосий буюртмачиси ва истеъмолчисидир. Масалан, Хитой бу мақсадлар учун 9 млрд доллар атрофида маблағ сарфлаган. Бозор капитализацияси 210 млрд. доллардан зиёд бўлган Alibaba интернет ресурси ушбу сармояларнинг тўғри сарфлаганлигини исботлади. Рақамлаштиришдан максимал фойда олишни истаган давлат, зарурий юқори технологик маҳсулотларнинг бозорини яратиши ва

уни қўллаб-қувватлаши лозимдир. Шу билан бирга, параллел тарзда давлат бошқаруви, муҳим соҳалар ва корхоналар учун хусусий иловаларни ривожлантирган ҳолда, электрон иқтисодиётнинг асосий платформаларини назорат қилувчи инструментларни ўз измида сақлаб қолиш ҳам муҳим ҳисобланади.

5. Кичик бизнес субъектларида молиявий бошқарув усуллари маҳсулотларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажаришдаги барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятни амалга ошириш ва стратегик мақсадларга эришиш учун зарур ҳажмдаги турли манбалардан маблағларни шакллантириш имконини беради.

6. Кичик бизнес субъектлари фаолияти барқарорлигини таъминлашдаги муҳим масалалардан бири бўлиб молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш, хусусан, молиявий ресурсларни жалб этиш манбаларидан оқилона фойдаланиш, инвестицион фаолликни ошириш, молиявий рискларни самарали бошқариш, молиявий менежментнинг замонавий усуллари фаолиятга кенг жорий этиш ҳисобланади.

7. Кичик бизнес субъектларида молиявий бошқарув инструментини дастурлаш кетма-кетлигини соф фойда ва сотишдан тушган тушумнинг оралиқ режалаштирилган қийматларини ҳисоблаш ҳамда активлар моддалари қийматини тушумга таъсирининг математик моделлаштириш асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида кичик корхоналарда сотишдан тушган тушумнинг оралиқ режалаштирилган кўрсаткичларининг бажарилиш оптималлигини аниқлаш мумкин бўлади.

8. Кичик бизнес субъектларида пул оқимларини бошқаришда молиявий маблағларнинг реал ҳаракатини аниқлаш, пул оқимларини режалаштириш ва бошқариш самарадорлигини баҳолашда аналитик кўрсаткичлар тизимини шакллантириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Gulyamov S.S. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar: O'quv qo'llanma / 2021, - 126 б.

2. Акбердина, В.В. (2018). Трансформация промышленного комплекса России в условиях цифровизации экономики. Известия Уральского государственного экономического университета, 19(3), 82-99. <https://doi.org/10.29141/2073-1019-2018-19-3-8>.

3. Андреева Г.Н. / Развитие цифровой экономики в России как ключевой фактор экономического роста и повышения качества жизни населения: монография / Г.Н. Андреева [и др.]. – Нижний Новгород: Профессиональная наука, 2018. – 131 с.

4. Muminov N.G., Zakhirova G.M. The role of public procurement in the digitalization of the economy and adoption of e-commerce. St. Petersburg State Polytechnical University Journal. Economics Vol. 13, No. 2, 2020. P.30-39. DOI: 10.18721/JE.13203

5. Бусигин А.В. Предпринимательство, начальный курс. М.: НИРП. 1992, - 17 б.

6. Umarov, I. Y., & Yusupova, M. Features of digital innovation management in business. In World science: problems and innovations collection of articles of the XX-XI International Scientific and Practical Conference: at (Vol. 4)

7. Камбаров Ж.Х., Махмудова Н.Ж. Задачи управления рисками на предприятии // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, 2016. № 5. С. – С. 88-89.

8. Епифанова, Т.В. Основные положения анализа и оценки финансовой устойчивости организаций малого и среднего бизнеса в статике / Т.В. Епифанова // Финансовые исследования. – 2012. № 4 (37). – С. 72-78.

9. Khaydarov U. R. Features of the Training Process Aimed to Perfection Speed Qualities //Web of Scholars: Multidimensional Research Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 207-211.

10. Nguen, R. Finance of small and medium-sized enterprises. / E. Fetisovova et al. / 2018. – Bratislava. IURA EDITION – 260 p.

**УДК: 331.101**

**DOI: 10.56937/v7i9a11**

**Тухтабаев Жамиид Шарафетдинович**

и.ф.ф.д. (PhD), доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

[jamshidtukhtabaev@gmail.com](mailto:jamshidtukhtabaev@gmail.com)

## **САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимизнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг объектив зарурияти илмий-назарий жиҳатдан ёритилган. Инновацион иқтисодиётга ўтишнинг долзарблиги, бу масалада амалга оширилаётган ишлар, саноат тармоғининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ривожланиш ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ўзаро назарий-қиёсий таққосланган, меҳнат самарадорлиги тушунчасига муаллифлик таърифи берилган, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат самарадорлиги, меҳнат сифати, меҳнат сарфи, жонли меҳнатнинг тежалиши, меҳнат унумдорлиги, инновацион иқтисодиёт, иқтисодий ўсиш, муносиб меҳнат, механизм, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, ташкилий-иқтисодий самарадорлик.

### **Кириш**

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш тизимида ўтиш жараёни амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган энг устувор вазифаларининг бири сифатида “...иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш”[1] деб таъкидлаган.